

КОММУНИЗМ ЗАФАРЛАРИ САРИ

БУТУН ДУНЕ. ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!



**КПСС XXIV
СЪЕЗДИНИ
МУНОСИБ
КУТИБ
ОЛАМИЗ**

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 36 (4542).

**19
ФЕВРАЛЬ**

Ж У М А

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

**БУГУН ТОШКЕНТ ОБ-
ЛАСТЬ XVI ПАРТИЯ КОН-
ФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛАДИ.**

**КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛА-
РИГА АЛАНГАЛИ САЛОМ!**

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бугун пойтахт области коммунистларнинг XVI партия конференцияси очилади. Конференция тарихий кунларда — қаҳрамон совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида саккизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаб, янги беш йилликни ғойибона бошлаб юборган, жонажон партиянинг навбатдаги XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди арасида, КПСС Марказий Комитетининг СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик план юзасидан партия XXIV съезди Директивалари лойиҳаси тўғрисидаги қарори маънавиятнинг халқлари томонидан катта сиёсий ва меҳнат кўтаринчилиги билан кутиб олинган бир шарафда бўлиб ўтмоқда.

Тошкент области партия ташкилотлари ва коммунистлари ўзларининг конференцияларида Коммунистик партиянинг афзолияти янада мақдам уюшган, маънавий-сиёсий жиҳатдан чиққан, экономика ва халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида янги муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда келдилар. XVI конференцияга ўтган давр областнинг экономикаси, халқ ҳўжалиги ва маданият қўрилиши соҳасида янги юксалиш дари бўлди.

Бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йилликлари, шаҳар ва район партия конференциялари партиянинг ўз съездида монолит ишлаган, халқ билан мустаҳкам алоқада, жамиятга сиёсий раҳбарлик қилишда катта таърифага эга бўлган, партиявий-ташкилий, ғойиб-сиёсий ишлар савияси бирмунча ўсган ва мукамаллашган бир ҳолда келатганини ёрқин кўрсатиб берди. Қувончли ақулар халқнинг партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, Марказий Комитетининг иш фаолиятини ақдқликл билан маъқуллаб, қўллаб-қувватлаётганлигида аниқ ва равшан кўрсатиб турди. Партия конференцияларида коммунистлар партия ташкилотларининг иш фаолиятини юксак талабчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи остида, ўз ташкилотларининг иш фаолиятларини янада яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик руҳида, партиявий ишнинг иқодий коллективчилик ва ҳозирги талаблар даражасида олиб бориш нўқтан назардан таҳлил қилдилар. Қимматли тақлиф ва маслаҳатлар бердилар.

Область партия ташкилотини КПССнинг XXIV съезди ва партия Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини ўз фаолияти учун асосий йўл-йўриқ ва программа кўрсатма қилиб олиб, унга ҳамisha амал қили келмоқда. Бу тарихий қарорларда коммунистик қўрилишнинг ҳозирги даражасида вазифалари ва талаблари ёрқин баён этилган. Ўтган давр ичда саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ ҳўжалиги, маданият қўрилиши, халқ фаровонлигини ошириш юзасидан бирмунча ишлар қилинди. Янги объектлар ишга туширилди. Мавжуд корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари оширилди. Экономикага партия раҳбарлиги кучайтирилди. Ишлаб чиқаришнинг самардорлиги оширилди. Илмий-техника жараёни тезлаштирилди, ишлаб чиқаришнинг бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш такомиллаштирилди, иқтисодий нисоҳот амалга оширилди.

Қишлоқ ҳўжалигининг деярлик барча соҳаларида бирмунча муваффақиятлар қўлга киритилди. Областида пахтакорларни ўтган йили оша-Ватанга 380 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа соҳаларида ҳам ана шундай қувончли натижаларга эришилди.

Район партия ташкилотлари, бошланғич ташкилотлар ўзларининг иш фаолиятларида қолхоз ва совхозларни ишчан, ташкилотчи ва раҳбар ходимлар билан мустаҳкамлашга, қишлоқ ҳўжалиги экономикасини ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, фан-техника ютуқларини, янги таърибаларни ҳўжаликлар фаолиятига кенг жорий қилишга алоҳида эътибор бердилар. Партия ташкилотлари ва коммунистлар қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларни кучайтириб, халқимизни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида кўпгина ишларни амалга оширилди.

Партия ташкилотларининг омма ўртасида олиб бораётган партиявий-ташкилий, ғойиб-

сиёсий ишлари бирмунча ривожланди ва янги-ча форма, шакллар касб этди. Сиёсий ташкилотчилар ва ахборотчилар, пропагандачилар ва лекторлар меҳнаткашларни мамлакатимиз ҳаётида ва чет элларда бўлаётган кундалик воқеалар билан мунтазам таништириб бориб, уларнинг асосий эътиборини олдимизда турган сиёсий-ҳўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришга қаратдилар. Партия ташкилотлари идеология ишлари билан чуқурроқ шўғулланишга бўлиб қолдилар.


Шу нарсани алоҳида кўрсатиш керакки, областимиз экономикаси ва халқ ҳўжалигини ривожлантиришда, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ишларини ташкил этишда, партиявий-сиёсий ва идеология ишларини уюштиришда ҳали бирмунча камчиликлар бор. Айрича район ва шаҳар партия комитетлари, бошланғич ташкилотлар ишлаб чиқариш қўчилирини ривожлантириш проблемаси, иқтисодий самардорлик, меҳнатки илмий асосда ташкил этиш, тоқам-корлик, меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари билан етарли шўғулланмайдилар. Шунинг натижасида баъзи корхоналарнинг қўрсаткичлари белгиланган план ва талаблар даражасида бўлмаётир, давлат планларини тўла бажармаётирлар. Партия ташкилотларининг ташкилотчилик роли юксак эмас. Қишлоқ ҳўжалигини ишга солинмаган имконият ва резервларимиз кўп. Афсуски, булардан оқилона фойдаланилмаётир. Шунинг натижасида айрим районлар, қолхозлар ва совхозларда пахтанинг ҳосилдорлиги область даражасидан ҳам паст. Пахта теримини механизациялаш талабга жавоб бермайди. Чорвачилик ишлари бирмунча орқада қолмоқда. Янги ерларни ўзлаштириш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва алмашлаб экинчи жорий экин сингари муҳим масалалар партия ва ҳўжалик ташкилотларининг диққат марказида бўлмаётир. Идеология ишлари соҳасида ҳам камчиликлар бор. Омма ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар, доклад ва лекциялар қўлига ғойиб жиҳатдан юксак ва маъмули бўлмайд. Баъзи жойларда лекция ва суҳбатларнинг сон жиҳатдан кўпроқ бўлишига қизиқиш, уларнинг таъсирчанлиги ва самардорлигини оширишга эътибор бермайдилар. Меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларни коммунистик руҳда, совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализм, коммунистик анъаналарга садоқат ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш партия ташкилотларининг идеология ходимларининг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Партия ташкилотлари кадрларни тўғри танлаш ва тарбиялаш, уларнинг тошйирлан иш участкаси учун жавобдорлигини ошириш, ижрон текшириш, — партиявий ишнинг асосини ташкил этаётганини унутмасликлари лозим. Бу соҳада баъзи камчиликлар ва нуқсонлар содир бўлмоқда. Партия ташкилотлари кадрларга нисбатан талабчан эмаслар, уларнинг қандай ишлаётгани билан етарли қизиқмайдилар.

Советлар, касаба союз, комсомол ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, фан, маданият, халқ маорифини юксалтириш ва меҳнаткашлар турмуш даражасини ошириш сингари масалалар партия ташкилотларининг кундалик ишларида ўз ифодасини топтоғи лозим. Бу ташкилотлар ва муассасалардаги партия комитетларининг ишчанлик, ташкилотчилик қўбилиятини, иш савиясини янада ошириш зарур.

Область партия конференцияси партия ташкилотлари фаолиятидаги энг яхши таъриба ва намуналарни умумлаштириш, шу билан бирга уларнинг ишга танқидий нўқтан назардан қараб, областимиз экономикаси ва халқ ҳўжалигини бундан сўнг янада юксалтириш, партия ташкилотларининг омма ўртасида олиб бораётган ташкилотчилик, ғойиб-сиёсий ва идеология ишлари савиясини янада юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўзбекистон Компартиясининг илгор отрядларидан бири ҳисобланган Тошкент области партия ташкилотлари янги беш йиллик планнинг ҳам муваффақиятли бажарилар, партиянинг XXIV съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездини муносиб кутиб оладилар.



ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ПАРТИЯ, БУТУН ХАЛҚ ОЛИВ БОРАЁТГАН КУНДАЛИК АКТИВ ФАОЛИЯТ ВАТАНИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ, КОММУНИЗМ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ТУГАЛ ЯРАТИШНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ, КОММУНИСТИК ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА, ЯНГИ КИШИНИНГ ТАРБИЯЛАНИШИГА ҲАР ТОМОНЛАМА ЁРДАМ БЕРАДИ.

КПСС XXIV съезди Директиваларининг лойиҳасидан.

ТОШКЕНТ трактор заводининг илгор ишчиси Абулла Иброҳимов партия XXIV съезди шарафига социалистик мажбурият олиб ишламоқда. У смена тошйирини 105—110 процент қилиб бажармоқда. Суратда: А. Иброҳимов.

Ю. Содиқов фотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ
МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИНИ СССР ОРДЕНЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА
СССР Олий Совети Президиуми мукофотлашга қарор қилади:

МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Совет, Иттифоқи Қаҳрамони Ю. А. Гагарин номли Тошкент туңимачилик машинасозлиги заводи — техника усулчилари ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик план тошйирчиларини муваффақиятли бажарганлиги, туңимачилик саноати учун янги гойт серурум машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштирганлиги ва шу машиналарни қўллаб ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги учун.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИИ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ФИРМАСИНИ МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Юксак сифатли тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик тошйирчиларини муваффақиятли бажарганлиги ва ишлаб чиқариш юксак суръатлар билан ривожлантирганликлари учун Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИИ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

ХАЛҚ МАОРИФИГА ҒАМХЎРЛИК

КПСС Марказий Комитетининг СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги бешйиллик план юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларининг лойиҳаси тўғрисидаги қарори биз халқ маорифи ходимлари томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда.

Директиваларда таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Мақтабимиз педагогик коллективни ўқувчиларга пухта касб танлашларида ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар. Ўқури синф ўқувчилари билан «Касбинг — фахринг», «Ишчи номи — улут ном» «Деҳқон меҳнати билан улут» деган мавзуларда суҳбатлар ўтказилмоқда. Булар, шубҳасиз ёшларнинг ўзларига муносиб касб танлашда муҳим роль уйнамоқда.

Педагогик коллективимиз бундан кейин ҳам бу масалага алоҳида аҳамият беради. Чунки, бу, шу куннинг муҳим вазифасидир.

К. ДАВЛАТДИЕРОВ,
Орқонкиёда райондаги 20-мактабнинг директори.

ҚУРУВЧИЛАРГА ТУХФА

Тошкентдаги «Компрессор» заводида кичик ҳажмли қўчма ротацион компрессор станциясининг таъриба нўсхаси ясалди. Бу агрегат бир минутда икки ярим куб метр қисилган ҳаво бера олади. У автоматик равишда бошқарилади. Станция конструкцияларини ишлаб чиқишда унинг авторлари — Суми «Винтехмаш» институтининг олимлари ва завод мутахассислари — бир қатор нодир техника янгиликларидан фойдаландилар.

Тошкент «Компрессор» заводи мамлакатимизда қўчма ротацион компрессор станциялари ишлаб чиқариш ўзлаштирган биринчи корхонадир. Бу машиналарни яратганликлари учун заводидаги бир гуруҳа ходимлари СССР халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасининг медаллари билан мукофотланди.

17 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

Москвадаги Ленин комсомоли номидаги автомобиль заводи коллективининг 17 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусига Тошкентдаги бадий буюмлар фабрикаси чеварлари ҳам бажониди қўшилдилар.

Чеварлар 17 апрелда кўлаб ил газлама, илак, ёқилги, электр қуввати тежаб қўлишга ва ана шу тежалган материал эвазига 25 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ундан гушқан пулдин тўққизинчи беш йиллик фондида ўтказишга қарор қилдилар.

Тошкентдаги тери-мўйна заводи коллективини юбилей йили планини 270 минг сўмлик қўшнмача маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунлаган эдилар. 1971 йилнинг январь ойи планни ҳам ошириб бажарилди.

Улар 17 апрель кунини ишланган маҳсулотдан 32 минг сўмининг беш йиллик фондида ўтказишга аҳд қилдилар.

С. СУЛТОНОВ.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ

XVI ПАРТИЯ

КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

ОБЛАСТИМИЗ ЭКОНОМИКАСИНИНГ



Чапдаги суратда сиз «Ўзбексельмаш» заводи 15-дехининг моҳир йиғувчи слесари Турсунбой Солиевни кўриб турибсиз. Уртада эса Писхент районидagi Калинин номи колхозининг пропагандисти Фарход Юсупов. Унда: Тошкент чини заводи расмони Н. Холму-хамедова.



КОММУНИСТЛАР АВАНГАРД

БЕШИЛЛИК рақамларидан кўриниб турибдики, халқ ҳужалигини ривожлантириш соҳасидаги эришилган ютуқлар салмоқли ва қувончлидир. Бунда ҳеч сўзсиз халқимизнинг аёл фарзандлари — коммунистлар ҳиссаси каттадир.

Партия ташкилотлари КПСС XXIII съезди қарорини амалга ошириб, ўтган даврда партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишлар кўламини кенгайтирдилар, таъсирчанлигини оширдилар. Улар омманинг куч-тайратини ре-зервлар ва имкониятлардан тула фойдаланишга план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этдилар.

Агар 1965 йилда областимизда 2456 та бошланғич партия ташкилоти маъжуд бўлса, 1970 йилда уларнинг сони 3283 тага етди. Халқ ҳужалигига партиявий раҳбарликнинг усул ва методлари такомиллашди.

Партия ташкилотлари кадрлар билан ишлаш, уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўтган бешилликда пропагандаист кадрлар тайёрлаш, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар, сиёсий ахборотчилар билан ишлаш соҳасида талғитига тажриба ортирилди. Ҳозирги кунда областимизда 7271 пропагандаист, 32551 агитатор иш олиб бормоқда. Уларнинг деярли кўпчилиги коммунистлар, комсомоллардир. Агитаторларнинг деярли ярми олий маълумотли кишилардир.

Хонадонларга бирктиб қўйилган сиёсий ташкилотчи ва сиёсий ахборотчилар тушунтириш ва ташкилотчилик ишлари билан банд. Ҳозирги кунда областимизда 17255 сиёсий ташкилотчи, 15214 сиёсий ахборотчи бор.

Улар шу кунларда КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасини кенг жамоатчи-ликка тушунтириш билан шуғулланмоқдалар.

Партия ўқув шохобчилари, машғулотлар мунтазам ўтиб турибди. Обдаста 171 сиёсий маориф кабинети бор. Шу жумладан, 39 та штатсиз, 132 та жамоатчилик асосида ишлай-диган сиёсий маориф кабинетлари омма ора-сида марксизм-ленинизм назарисини кенг тарғиб қилдириш муносиб ҳисса қўшмоқда. Халқ университетлари тармоғи ҳам кенгайди. 195 та халқ университетида 30156 киши ма-лака оширмоқда.

Дарҳақиқат, ўтган бешилликда сиёсий ўқувнинг формалари кўпайди. Обдаста 1402 та бошланғич сиёсий мактаб, 2998 та мар-ксизм-ленинизм асослари мактаби, кўп-лаб марксизм-ленинизм университетлари, партия-актив мактабларининг олий асослари иш-лаб турибди. Шаҳар ва районларда партия ўқувининг барча турларида 148276 киши қатнашмоқда.

Партия ташкилотлари кадрларининг иқтисодий билимини бойитишга, айниқса, эътиборин кучайтирмоқдалар.

САНОАТИМИЗ РАВНАҚИ



ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР



МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ

ОШМОҚДА



ИНДУСТРИЯМИЗНИНГ УЛКАН ОДИМИ

КПСС XXIII съездида кейинги давр уланган ўзгариш ва юксалиш даври бўлди.

Областимиз саноатчилари съезд қарорларини амалга ошириб, маҳсулот ишлаб чиқариш саноатини бешиллик планини барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этдилар. Шу йиллар мобайнида саноат маҳсулоти ҳажми 1,4 баравар ошди. Ўсишнинг учдан икки қисми асосан меҳнат унумдор-лигини ошириш ҳисобига бўлди.

Областимиз индустриясининг етакчи тармоқлари айниқса тез суръатлар билан юксалди. Электр энергияси ҳосил қилиш 1,5 баравар, қора ва рангли металллар ишлаб чиқариш 1,9, машина-созлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотлари 1,5, химия саноати маҳсулотлари тайёрлаш 1,7 марта кўпайди. Электроника, енгил ва озиқ-овқат сано-ати янада раванқ топди. Бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш кўпайди.

Бешиллик мобайнида пландан таш-қари 495 миллион киловатт соат электр энергияси ҳосил қилинди, 186 минг тон-на минерал ўғит, 2,8 миллион сўмлик ме-бель ва бошқа хил маҳсулотлар тай-ёрланди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш ва сифатини яхшилашда пландан ташқари 70 процентга ошди.

Биргина Чирчиқ шаҳрининг ўзида мавжуд 21 корхонадан 18 таси янги-ча усулда ишлаб, тайёрланаётган саноат

маҳсулотининг 96 процентини ва туша-ётган фойданинг 98 процентдан кўпро-ғини етказиб беришти. Ҳужаликни бош-қаришда илгор усулларнинг кенг қў-ланиш натижасида шаҳарда бешиллик планига қўшимча равишда 35,3 милли-он сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Биргина Юбилей йилида тайёрланган маҳсулот бешил-лигининг дастлабки уч йили мобайнида тайёрланган маҳсулот ҳажмига тенг келди.

Олмалик металлургияри ҳам област-имиз саноатчилари эришган муваффақ-иятларга ўз муносиб ҳиссаларини қўш-ди. Шаҳарда беш йил мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баравардан кўпроқ ошди. Сўнгги уч йил ичида янги техника ва технологиянинг жорий этилиши туфай-ли меҳнат унумдорлиги 70 процентга ўсди. Юбилей йилида корхоналар 91,6 миллион сўмлик фойда кўрди. Бу кў-рсаткич 1967 йилдагига нисбатан 2,4 марта кўшди.

Бекобод, Ангрен, Янгийўл ва бошқа шаҳарларнинг меҳнаткашлари эриш-а-ган муваффақиятлар яна ҳам қувонч-лидир.

Сўнгги йилларда областимиз маҳал-ли саноати гўлдат тез суръатлар бил-ан юксалаяпти. Бешилликда янгидан 12 та корхона, 58 та цех бўлиб э-тилди. Булар ичида Сергели, Бекобод ва Тўй-буна тикув фабрикалари, Бектемирдаги металл буюмлари заводи, Бекобод кро-

ватъ заводи каби йirik корхоналар бор. Янги корхоналарда маҳсулотларнинг йилдан 83 хилини ишлаб чиқариш ў-лаштирилди.

Тўққизинчи бешилликда ҳам област-имиз саноати улкан одимлар билан юк-саланиш давом этади. Бу йил ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматч-илар КПСС XXIV съезди шарафига бош-ланган социалистик мусобақани давом эттириб, йиллик планни 27 декабрда ба-жаришга аҳд қилдилар. Йил давом-ида планга қўшимча 3 минг тонна цулат, 3,4 минг тонна прокат, 10 минг тон-на минерал ўғит, 100 та трактор, 400 та трактор призици, 8 минг тонна ол-тингурут қислоси, 1 миллион сўмлик қаттиқ қотишмалардан асалган буюмлар ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрлана-ди.

Техника тараққийи учун бошланган кураш ҳам бу йил кучайди. Ишлаб чи-қаришга 33 та автоматлашган, меҳани-зациялашган поток ва конвейер линия-лари жорий этилди. 22 та цех ва участ-кани комплекс механизациялаш амалга оширилди. 500 дана юқори унумли ўс-куналар ўрнатилди ва 2 мингдан ор-тиқ йirik ташкилий-техникавий тадбир-лар жорий қилинди.

Саноатчиларимиз ҳозир мана шу ва-зифаларни муваффақиятли амалга оши-риш ҳамда партиянинг XXIV съездини муносиб меҳнат соғалари билан қутиб олиш йўлида ўзаро социалистик мусо-бақани кенг қулоч ёйдирмоқдалар.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Сўнгги беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 40 процентдан зўрайиб кўпайди. Са-ноатнинг айrim етакчи тармоқ-ларининг ривожланиш суръатла-ри янада юксалди. Масал-ан, электр энергия ҳосил қилиш 54 процент, қора ва рангли ме-таллургия 1,9 баравар, химия ва нефть химияси 46 процент, маши-на-созлик ва металл ишлаш 42 процент, бинокорлик материалла-ри ишлаб чиқариш 69 процент, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари тайёрлаш 38 процент кўпайди.

Беш йиллик мобайнида Ол-малик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми икки баравардан зўрайиб ошди. Чирчиқда бу кў-рсаткич 42 процентни ташкил эт-ди.

Саноатда меҳнат унумдорли-ғи 27,4 процент орди, жумладан қора ва рангли металлургияда 58,9, химияда 32,8, машина-созлик ва металл ишлашда 35,9, озиқ-ов-қат саноатида 46,4 процент ошди.

Саккизинчи беш йиллик мо-байнида халқ ҳужалик эҳтиё-лари учун 50 миллиард киловатт соат электр энергияси, 20 мил-лион 240 минг тонна кўмир, 5,7 миллион тоннадан кўпроқ мине-рал ўғитлар етказиб берилди. Шу давр ичида 41 минг 741 та пах-та териш машинаси (икки қатор-ли ҳисобда), 4748 та экскаватор, 19 миллион 600 минг тоннага яқин цемент, 3 миллиард 260 миллион дондан ортиқ гишт тай-ёрланди.

Ўтган Юбилей йилида аҳо-ли жон бошича ўртача ҳи-собда 3960 киловатт-соат электр-қуввати, 1220 килограмм кўмир, 835 килограмм цемент, 65 метр дам ортиқ илғазлама, 43,3 кило-грамм пахта толеси ишлаб чи-қарилди.

Капитал қурилиш ҳажми муттасил кенгайиб бормоқда. Беш йил мобайнида 1 миллион 580 минг киловаттлик янги энергетика қувватлари, 4 миллион 950 ми-нион киловатт трансформаторлар фойдаланишга топширилди. 425 минг тонна цемент, 726 минг ку-бометр темир-бетон конструкция-лари ва деталлари, 203 миллион дон гишт, 18 минг донна рўзгор холодиликчилари тайёрловчи қу-ватлар ишга туширилди.

1966—1970 йилларда ҳам-маси бўлиб 3 миллиард 931 минг сўмлик асосий фондлар фойдала-нишга топширилди. Бу олдинги беш йилликдагига қараганда 63 процент кўпдир.

Беш йиллик мобайнида 2 миллиард 831 минг сўмлик ку-рилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бу олдинги беш йил-ликдагидан 90 процент ортиқдир.

Беш йил мобайнида 6 мил-лион 834 минг квадрат метр сатхлик уйлар қурилди. Бу аввал-ги беш йилликдагига нисбатан 214 процент ташкил этади.

124,4 минг уринли мантаба-лар, 32,1 минг уринли болалар богчалари ва яслилари, салкам уч минг уринли насалхона ва шифохоналар қурилди.

Беш йил ичида чакана то-вар обороти 51,3 процент, уму-мий оватланиш корхоналари обороти эса 41 процент кўпайди.

МАДАНИЯТИМИЗ ГУЛЛАМОҚДА

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тар-биялашда маданият ўққларининг роли ва иштироки каттадир. Бу даргоҳларда сиёсий оммавий, маданий оқартув ишлари олиб боришмоқда. Меҳнаткашларнинг билим са-вийсини ошириш, маданий дам олишлари учун барча шароитларни яратиб бериш, аҳолининг турмуш маданиятини юксалти-риш борасида қилинаётган ишлар кишини қувонтиради.

Қишлоқ маданиятини юксалтиришда Ўз-бекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг 1967 йил 2 декабрда қабул қилган «Қишлоқ жойларида маданий-оқартув муассасалари ишларини яхшилаш ва уларнинг шохобча-лари ривожлантириш чоралари тўғрисида» ги қарори катта роль ўйнади. Бу қарорни турмушга татбиқ этиш йўлида областимиз маданият ўққларидан қатор амалий тадбир-лар қўрилди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Қишлоқ ҳўжалик министр-лиги томонидан дохиймиз В. И. Ленин ту-ғилган кунининг 100 йиллик юбилейига ба-ғишланб ўтказилган кўлхоз клублари рес-публика кўриги маданият ўққлари коллек-тивлари учун чинкам ижодий имтиҳонга айланди. Қўриқда областимиздаги қишлоқ клублари ҳам актив иштирок этдилар. Жум-ладан, Калинин районидagi «Назарбек» маданият уйи коллективи кўриқда голлиб бўлди.

Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбе-кистон» кўлхоз клуби фаолияти ҳам ди-ққатга сазовордир. У ерда кекса ота-оналар ҳам, йигит-қизлар ҳам маданий ҳордиқ чи-қаришди. Клуб ҳузурида ишлаб турган ашула ва ракс халқ ҳаваскорлик коллекти-ви концертлари кўпчиликлан манзур бўлмоқ-да. Шунингдек, сикат-саломатлик халқ уни-верситети ҳам ишлаб турибди.

Кейинги йилларда кўпгина клуб, кутубхо-на ва кироатхоналар ишга туширилди. Ўт-ган беш йилликнинг дастлабки йилида 25 та клуб, 7 та стадион, 8 та бассейн қурилди.

Оқуғроч районини жамоатчилигини амалга оширган тадбирлар ҳам мактовга лойиқдир. Бу ерда маданий-маиший қурилиш ишлари-га алоҳида аҳимият берилмоқда. Маданий-оқартув муассасалари система-сида клуб алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам клублар фаолиятини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ клубларининг II Бутуниттифоқ перекличкаси клуб ишларининг кейинги йиллардаги фаолиятига ажуз ясади. Бу ижодий кўриқда областимиздаги бир қа-тор клублар ҳам ахши натижаларга эриш-дилар.

Янги бешилликда маданият ўққлари тармоқлари янада кенгайди. Келгусида об-ластимизнинг маданият ўққларида бахт уйлари, халқ маданияти университетлари, янги тўғарақлар ҳам очилади.



ҚУРИЛИШЛАР ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

ҚАВҚА қараманг, кўнча бўй чўзган дароз зрақлар ўрмонга кўзингиз тушади. Ҳаммаёнда қурилиш. Бинокорларимиз яра-тиш, бунёд этиш билан банд. Фойдаланиш-га топшириладиган, гишт тайёрлаётган, пойдёвори кўтарилаётган иморатларнинг санаб саногига ета олмайсиз, киши.

Ўтган беш йилликда бинокорлар 1,4 мил-лиард сўмлик давлат капитал маблағини ўзлаштирдилар. Бу йиларни бешилликда нисбатан 1,7 марта кўшди.

Област бинокорлари биргина 1970 йил-да 290 миллион сўмликча янги қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Шаҳар ва районларда 351 минг квадрат метр ту-рар-жой, 10,5 минг ўғувча уринли мактаб-лар, 1490 ўринли болалар богча ва ясли-лар, кўп-лаб маданий-маиший объектлар ва ишлаб чиқариш қуavatларини фойдала-нишга топширдилар.

Ўтган бешилликда айниқса Тошкент шаҳ-

ри учун ўчмас излар қолдирди. Иттифоқ да меҳнатни ташкил этиш, пиллаштириш ва иқтисодий рабағлантиришнинг янги системасига ўттиш туфайли яшилди. Қу-рилиш муддатини қисқартуриш ва бино-лар сифатини яхшилашда «Алмалик-винце-строй» трести бинокорлари бой тажриба-га эга бўлди. Сўнгги йилда улар 2 та йиринг корхона — химия ва рух заводлари, янги ишга туширишга муваффақ бўлдилар.

Бундай суръатини Иттифокимизнинг илгор қурилиш ташкилотлари ҳам ҳали кўрма-ган.

Умуман, «Алмалик-винце-строй» трести сўнгги уч йил ичида 167,9 миллион сўм-лик катта маблағни ўзлаштириб, 16 та янги ишга туширилди. Жумладан, Қал-моқчи кони қурилиши тула тугалланди, олтингурут қислоси пехи, миё заводи комплекси, миё бойитинг фабрикасининг 3-сенси, цемент комбинатининг ишлаб

чиқариш қуvatлари наби йиринг объект-лар барвақт фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 2500 ўринли 3 та мантаб, 1120 ўринли 4 та болалар богча ва ясли, шифохоналар, маданий-маиший ҳилмат кўрсатувчи объектлар ҳам куриб битки-зилди.

Областимизнинг Чирчиқ, Бекобод, Ан-грен наби шаҳарларида ва районларида ҳам қурилишлар кўлами йил сайин кен-гайиб бормоқда. Чирчиқ электростанция комбинатидан синтетик аммиак ишлаб чи-қарувчи қуvatлар, Тошкент ГРЭСининг 160 минг киловатт соат қуvatини 11,6 бо-ни, Чорвоқ ГРЭСининг 150 минг киловатт соат қуvatини 1,6-боки, трактор заводи на-би йиринг саноат объектлари ўтган беш-йилликда олам юзини кўрди.

Бинокорлар КПСС XXIV съезди шарафи-га бошланган мусобақанга қўшилиб, ҳозир янги йилнинг биринчи квартални планини 38 мартача, йиллик планни эса 28 декабр-гача бажариш учун курашмоқдалар. Бу йил йиринг ишлаб чиқариш қуvatлари фойдаланишга топширилди. Қўп-лаб турар-жойлар меҳнаткашларга совға қилинди.

ЯНГИ РАВНАҚИ, ИСТИҚБОЛИ УЧУН

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ

XVI ПАРТИЯ

КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

ПАХТАМИЗ-БАХТИМИЗ

ҚИШЛОҚ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик ўтган беш йилда аяқ юксалди. Агар 1965 йилда 353 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, юбилей йилида мамлакатга 380 минг тонна «оқ олтин» сотилди. Ой-Батав пахтакорларимиздан беш йиллик давомида пилдан ташқари 100 минг тонна пахта олди.

Дехқончилик маданияти ортиб бораётганлиги, фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга қўйилган пахтачиликнинг ҳосилдорлиги ортиб бормоқда. 1965 йилда ҳар гектардан 24,2 центнердан ҳосил олинган бўлса, ўтган йили 26,2 центнердан хирмон кўтарилди.

Оқўрғон районидаги «Заря коммунизма», Хамид Олимжон номи, Ленин номи, Бекобод районидаги «Победа», Ёўқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Пискент районидаги «Гулистон», Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Свердлов номи, Ўрта Чирчиқ районидаги «Поларная звезда», Янгийўл районидаги «Коммунизм», «Интернационал», «Ленинизм» колхозлари, шунингдек, ЎзССР беш йиллиги, 1, 2-«Пискент» совхозлари ўтган беш йилда, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Пахтачиликни машиналаштиришда йил сайин катта қадмалар ташланмоқда. Бундан беш йил илгари машиналар билан ҳосилнинг 40—43 проценти териб олинган бўлса, ўтган йили «зангори кема»лар билан 194 минг тонна, яъни яъни ҳосилнинг 51,3 проценти териб олинди. Ҳар бир терим машинасининг умумдорлиги ҳам ортди.

Кўпгина хўжаликлар терим машиналаридан моҳирлик билан фойдаланиб, йил сайин машиналарнинг меҳнат унумдорлигини оширмоқдалар. Ўтган йили 47 хўжаликда ҳосилнинг яримдан кўпи, 19 дан ортқ хўжаликда ҳосилнинг 70 проценти машинада териб олинди. Тўққизинчи беш йилликда областимиз пахтакорлари ўз амалиётида янада ушбу мажбуриятлар олдилар. Улар бу йил мамлакатга 400 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга, яъни ҳосилнинг кам деганда 70 проценти машиналар билан терилшга бел боғлашгандар.

Бунинг учун ҳозирдан дини кураш бошланиб кетди.

ФАРОВОНЛИК

на товар оборотининг умумий суммаси 7.340,6 сўмини ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда, чакана товар обороти суммаси ўтган беш йилликдаги нисбатан саккизинчи беш йилликда 2,256,6 сўмга кўпайди. Агар 1965 йилда бир кишининг ўртача йиллик товар обороти 439 сўмини ташкил этган бўлса 1970 йилда 594 сўмга етди.

Савдо ва умумий оғдатлаштириш корхоналарининг тармоғи ҳам кўпайди. Об-

ластда маънавий хизмат кўрсатиш ҳажми 2,5 баравар, қишлоқ жойларда эса 5 баравар ортди. Фақат кейинги йилларнинг ўзидagina Паркент ва Ғазалкентда, Қўрай посёлкасида, Олмазор ва Чирчиқда янги икки қаватли маънавий хизмат кўрсатиш уйлари, Олмаликда кийимларни кимёвий усулда тозалайдиган фабрика ишга тушди.

Шаҳар ва район меҳнаткашлари, депутатлари Советлари аҳолига маънавий хизмат кўрсатишни ҳар томонлама яхшилаш, учун ҳаракат қилиб келмоқдалар ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ўтган юбилей йили аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш плани муддатидан илгари 27 декабрда бажарилди. Янги йилда маънавий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун зарур тадбирлар қўйилди. Қўшимча 130 та маънавий хизмат кўрсатиш устaxonаси ва цехи очилди, шунингдек, 520 та янги технология, ускуналар ўрнатилди. Аҳолига пилдан ташқари 500 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Э Л Д А С-ТУРХОНИГА

Эл дастурхонини савзавот, картошка, мева, узум маҳсулотлари билан безаш йўлида савзавоткор хўжаликлар қилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Улар аҳолига йил сайин кўплаб ширин-шакер мева, савзавот етказиб бериш учун курашмоқдалар. Беш йилликда савзавоткорлар эришган ютуқлар ҳам аниқ кўриш мумкин. 1965 йилда давлатга савзавот сотиш плани 104,4 процент бажарилган эди. Ўтган йили план 115,4 процент бажарилди. Давлатга 230845 тонна савзавот сотилди.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Ленин номи, Калинин районидаги Карл Маркс номи, «Ленин йўли» сингари хўжаликларда савзавот ҳосилдорлиги ортиб бормоқда. Ана шу сингари хўжаликлар теплица-ларни хўжаликларини иштини намунали йўлга қўйиб, аҳолини қишнинг янги

ги узиб олинган савзавот билан таъминлаш соҳасида катта ишларни бажармоқдалар. Уларда савзавотчиликдаги кўпгина ишлар механизацияланганлиги туфайли ҳосилдорлик ортиши билан бирга маҳсулот таннорхи ҳам камайиб бормоқда. Савзавоткорлар бу йил 238 минг тонна савзавот етиштириш мажбуриятини олдилар. Бу юксак мажбуриятни бажариш учун ҳозирданок тайёргарлик ишлари қилинмоқда. Парник ва теплица-ларда эрта қўллама далага чиқариб экиш учун кўчат тайёрланмоқда. Кўплаб маҳаллий ўғит жамғирлаёттир. Ҳар гектар ердан кам деганда 170 центнердан савзавот ҳосили олиш, мева, узум етиштиришни ўтган йилдагига қараганда анча кўпайтириш учун дала-ларда, боғларда кўп-ламги тайёргарлик ишлари кун сайин авж олаёттир.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Саккизинчи беш йилликнинг охириги йилида ҳаммаси бўлиб 372 минг 824 гектар майдонга турли хил қишлоқ хўжалик экинлари экилди. Боғ-роғлар майдони 25700 гектардан ортқироқни ушбу экинлар 8730 гектарни ташкил этди.

Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари саккизинчи беш йилликда жуда самарали ишладилар. Жумладан, 1 миллион 726 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришди.

Беш йил мобайнида етиштирилган каноп миқдори 1 миллион 491,3 минг тоннани ташкил этди. Давлат оғборларига салкам 700 минг тонна галла етказиб берилди.

Беш йил мобайнида савзавотчилар ҳаммаси бўлиб 1 миллион 250 минг тоннадан кўпроқ турли хил савзавот маҳсулотлари етиштиришди. Давлат оғборларига топширилган картошка 369 минг тоннадан кўпроқни ташкил этди. Салкам 260 минг тонна узум тайёрланди. Топширилган 5 минг 887 тонна пилла-рун миллионлаб метр шойи газламалар тўқилди.

Меҳнаткашлар дастурхонига шу йиллар мобайнида салкам 900 минг тонна сут, 720 миллиондан ортқ тухум етказиб берилди.

Беш йил мобайнида ундан олдинги беш йилликдагига қараганда пахта, 7,6 процент, каноп поёси 30,8 процент, савзавот 32,3 процент, сут, 24,4 процент тухум, 63,4 процент кўп тайёрланди.

ОБОД ВА КЎРКАМ

Область коммунал хўжалиги ходимлари ҳам беш йил давомида талайгина ишларни бажардилар. Водопровод тармоқлари кенгайди, канализация ишлари амалга оширилди.

Янгийўл, Калинин, Юқори Чирчиқ районлари, Чирчиқ шаҳрида янги ҳаммом қурилди. Кирюв-ш комбинатларининг қувиш орти.

Меҳмонхоналар сони ўтган беш йилликда янада кўпайтирилди. Жумладан Чирчиқ, Охангарон шаҳарларида ҳар бири 150 ўринлик, Юқори Чирчиқда 80 ўринлик меҳмонхона-лар ишга тушди.

Ободонлаштириш бўйича эришган ишлар ҳам баракали.

бўлди. Ўтган даврда 12 миллион 150 квадрат метр йўлга асфальт ётқизилди, 337 минг квадрат метр жой текислашиб, шағал ётқизилди.

Областимизнинг шаҳар ва районларида жуда кўп газон-ларга ташкил этилди. Бу газон-ларга 1 миллион 629 минг квадрат метр ҳар хил гул қўйилди. Катта ва мағистрал йўл ёқалари ва хибоналарга майзарали ва невали дархат қўчатлари ўтқазилди.

Шаҳар ва район кўчаларини электр чироқлари билан ёритишга катта эътибор берилди. Ҳанмаси бўлиб бир печа минг километр масофага электр чироқлари ўрнатилди.

ПАХТАЧИЛИГИМИЗ ЮКСАЛИШДА



САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ КЎПАЙМОҚДА



ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА



ОЛИМЛАР — ОТАЛИФИДА

Тошкент олий партия мактабидан коммунист ўқитувчиларнинг катта бир гуруҳиаси умумий иқтисодий таълим беришда район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига қўмаклашмоқдалар. Экономика ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш кафедрасининг мудир профессор Н. А. Малицкий Ўрта Чирчиқ райони партия риктин мактабидан ўз нутқини алмашлаб экиннинг самарадорлигига бағишлади. Олим бир қанча колхозларда суғориладиган ерлардан рационал фойдаланиш тўғрисида суҳбатлар ўтказди.

Коммунист-ўқитувчилар иқтисодий билимларни пропаганда қилишда партия ташкилотларига ёрдам беришнинг турли формаларини топпоқдалар. Сиссий, иқтисод, шунингдек саноат ишлаб чиқаришда тежамкорлик кафедрасининг олимлари ва ўқитувчилари Тошкентдаги Куйбисев ва Ленин район партия комитетларига партия экинчиларни секретарлари учун иқтисодий ўқитиш ташкил этишда ёрдам бермоқдалар. Трактор заводининг партия ташкилоти олимлар иштирокида иқтисодий билимлар халқ университетини ташкил этмоқда. Бир қанча корхона-лар, колхозлар ва маҳаллаларда иқтисодий лекторийлар очилмоқда.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Областимиз халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилаётган коммунистлар сафи йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 1965 йилнинг охирига келиб КПСС аъзолари қаторида 96 минг 282 киши бор эди, улардан 19 минг 617 киши хотин-қизлар эди. 1970 йилнинг охирига келиб коммунистлар 126 минг 468 кишига етди. Аёллар сони эса 26 минг 542 кишини ташкил этди.

Партия ташкилотлари сони ҳам ортди. 1965 йилнинг 1 январига 2456 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд эди. Ўтган йили бундай ташкилотлар сони 3283 тага етди.

32 ярим мингдан ортқ агитатор, 17 минг 300 га яқин сиёсий ташкилотчи ва 15 минг 200 дан ортқ сиёсий ахборотчи меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларни олиб бормоқда.

Фақатгина ўтган йили «Билим» жамияти йўли билан 150,5 мингдан ортқ лекция ўқилди. Ўтган йилнинг охирига келиб шта-эти лекторлар ва сиёсий докладчилар гуруҳлари сони сал кам икки мингга етди. 280 га яқин халқ университетлари ишлаб турибди. Уларнинг тингловчилари қаторида 30 мингдан ортқ киши бор.

ГЎШТ, СУТ КЎПАЯДИ

Областимиз чорвадорлари ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Илгори колхоз ва совхозлар ишлаб чиқаришга фан ютуқлари, илгори тажрибалари жорий қилиб, йил сайин чорва туёғини кўпайтирмоқдалар. Давлатга кўплаб миқдорда гушт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бермоқдалар.

Агар 1966 йилда областимиз бўйича тирик вазнада 37 минг тонна гушт етиштирилган бўлса, ўтган йили 44,4 минг тонна гушт етиштирилди. Уша йилда область бўйича 161,7 минг тонна сут етиштирилган бўлса, 1970 йилда бу миқдор 190,9 минг тоннага етди. Ҳар беш соғин сигирдан соғиб олинган сут ўртача 1925 килограммданга тўғри келди.

Чорвадорларимиз бу йил янги марраларга интиломоқдалар. Улар бу йил давлатга сўйилган вазнада 21,5 минг тонна гушт, 65,3 минг тонна сут, 82 миллион донга тухум ва 1240 тонна жун сотадилар.

Бу юксак мажбуриятни бажариш учун энг аввало чорвачиликнинг етказиб бериш базисини мустахкамлаш, чорва молларини боқиб ва парваришлаш ишларини мияларнинг сотини яхшилашга, кўп меҳнат талаб қилмайдиган иш жара-ёнларини механизациялашга эътибор қўйилмоқда.

Колхоз ва совхозларда ҳар беш соғин сигирдан соғиб олинмайдиган сут 2300 килограммданга етказилди. Паррандачилигини ривожлантириш юзасидан ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Тухум қиладиган товуларнинг ҳар бирдан кам деганда 150 тадан тухум олиш учун курашляди.

Шу йилларда чорвадорларнинг бутун дини-этибори қишлоқ-тинч намунали ўтказиш, КПСС XXIV съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусоба-сига қўшилиб, чорвачилик маҳсу-лотлари тайёрлаш бўйича бирин-чи нивалар планини муддатидан илгари бажаришга қаратилгандир.

МАЪРИФАТ ДАРГОҲЛАРИ

ЕШ авлодни ўқитиш ва тарбиялаш педагог коллективларининг жононаон бурчидир. Мактаб таълим системасини такомиллаштириш, ўқитиш-қизиларга чуқур билим ва тарбия бериш йўлида областда қатор тадбирлар белгиланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Умумий ўрта таълимга ўттиш муносабати билан республика халқ маорифини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори областимиз халқ маорифи ходимлари учун муҳим дастур бўлиб қолди. Шу қарорга мувофиқ мактабларнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш улар сонини ошириш асосий вазифа қилиб ўйинди.

1966—1967 ўқув йилида областимизда 1263 мактаб ишлаган эди. Халқ ўқитувчилари сони 30 минг кишини ташкил этарди. Кейинги ўт йил ичида областда мо-дильлаштиришнинг барча мабала-ри бўйича 229 та объект ишга тушрилди. Янги мактаблар ва қўшимча синф хоналар қуриш иш-лари жадал суръатлар билан олиб

борилди. Халқ маорифи учун маб-лағлар ажратиш йил сайин кўпай-ди. Агар 1965 йилда халқ маорифи-га 51 миллион сўм ажратил-ган бўлса, 1970 йилда бу рақам 67 миллион сўмини ташкил этди.

Мактабларда техника восита-ларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу билан таълим сифати яхшиланиб, ўқувчилар билими мустахкамла-ниб бормоқда.

Умумий ўрта таълимни амалга ошириш йўлида қилинган ишлар ҳам чакни эмас. Ўқув кабинетла-ри, устaxonалар қуришга алоҳида эътибор берилди. Мактабларда маориф бўйича иқтисод қилинган маблаглар ҳамда корхона ва хў-жаликлар маблаглари ҳисобига дарсликлар фондиди ташкил этиш-га эришилди.

Ҳозир ёшларнинг асосий кўпчи-лиги умумий таълим мактаблари-да ўрта маълумот олмақда. 1968—1969 ўқув йилида 1965—1966 ўқув йилига нисбатан 10—минг ўқувчи ўрта мактабни кўпроқ би-лишди. Мактабнинг тўққизинчи синфларига келиб ўқитган ўқув-чилар сони ҳам ортди бормоқда.

Агар 1967 йилда бундай ўқувчи-лар 68,4 проценти ташкил этган бўлса, ўтган ўқув йилида ўннинчи синфда ўқитган ўқувчилар сони 76 проценти эди.

Мактаб ҳақидаги Қонунда ўқув-чилар таълим ва тарбиясини тако-миллаштириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Энди-ликда ўқувчиларнинг бир синфда иккинчи йилга қолишларига бар-ҳам бериш мақсадида қатор ама-лий тадбирлар белгиланди.

Областда халқ маорифи йил-дан-йилга кенгайиб бормоқда. Янги беш йилликда ҳам таълим яна-да равнақ топади. 1975 йилгача область мактабларида яна мактаб-лар ишга тушади. Беш йиллик охирига бориб 1892 та физика, химия, биология ва бошқа ўқув кабинетлари фойдаланишга топ-ширилади. Металл, ёғоч ишлаш ва тўқувчилик устaxonалари сони 7420 дан ошиб кетади.

Белиланиётган муҳим тадбир-лар ва амалга оширилаётган иш-лар, шубҳасиз халқ маорифини янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Ушбу суратларда Олмалик химия заводи цех-ларининг умумий кўриниши тасвирланган. Ҳозир бу цехларда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқаришмоқда. Чап-да цех бошқалигининг ўринбосари Б. Цех ва сие-на бошлиги Ф. Рўзиматов ўртоқларини қўриб ту-рибди.

А. ТУРАЕВ фотолари.

